**Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид Аҳмад:**

# «Сендан миннатдорман, бардошим!»

**Саҳифа меҳмони**



**Ёзувчилар союзининг жуда кўп тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган ўша қадимги боғи. Саид Аҳмад ака узоқ сафарга тараддуд кўраётган эканлар, машинасининг аллақайси мурувватини бурашдан тўхтаб, менга пешвоз чиқдилар. Ростини айтсам, аввалига танимадим, коржомадаги бу одам бирор автомеханик бўлса керак, деган хаёлга бордим. Буни дарҳол пайқаган адиб майин жилмайиб қўйди. Суҳбат ҳам жўнгина бошланди. Унга дала-ҳовли дарвозаси олдида ўйнаб юрган болакай сабабчи бўлди.**

— Қани, чойдан ҳўпланг, ука. Биласизми, ҳув анови кичкинтойдай пайтларимда ойим мени худди бузоқ боласидай арқонга боғлаб қўяр эканлар. Ўшанда 5—6 ёшларда бўлсам керагов. Самарқанд дарвозадаги ҳовлимизнинг ўртасидан ариқ оқиб ўтарди. Икки-уч марта сувга тушиб кетганимдан кейин ҳамма чўчиб қолибди. Шундан кейин ўрикка боғлаб қўядиган бўлишибди. Шўхлигимдан уйдагиларда ҳаловат бўлмасди.

Эсимни танибманки, мен танламаган касб қолмади, деса бўлади. Аввалига боғбон бўлишга аҳд қилдим. Сўнгра Солиҳ дорбозга чалинган қарсаклар мени баланддаги арқон устида умбалоқ ошиб, ҳаммани қойил қолишга мойил қилиб қўйди. Кейинчалик сураткашликка ўзимни урдим. Ўн тўрт ёшимда «Ленин учқуни», «Ёш ленинчи» ва «Ўқитувчилар газетаси»да фотосуратларим босилиб чиқди. Каминада рассом бўлишга иштиёқ сезилгач, ҳатто тасвирий санъат билим юртида икки йил таҳсил ҳам кўрдим. Аммо фото санъатидан воз кечолмадим. Суратларим билан газеталарда қатнашиб юриб, мухбир ҳам бўлиб қолдим.

**— Демак, ёзувчилик касбини кейинроқ танлаган экансизда?**

— Ҳа, биринчи ҳикоям ўттиз еттинчи йилда машҳур фельетончи Комил Алиев таҳрири остида «Ишқивоз» деб номланган сарлавҳа билан «Муштум» журналида чоп этилди. «Тортиқ» номли биринчи ҳикоялар тўпламим эса қирқинчи йилда 20 ёшимда босилиб чиқди. Аммо устоз Абдулла Қаҳҳор «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (ҳозир «Шарқ юлдузи») журналида тўпламимни дабдала қилиб, кўзимни мошдай очиб қўйди. Анчагача ўзимга келолмай юрдим. Бироқ мен ҳам битта тарсаки еб чекинадиган анойилардан эмасдим. Чунки ижод сеҳри аллақачон мени ўз домига тортган эди. Ўқиш, ўрганиш, изланишлар давом этди. Ўша йилларда ҳам сураткашликни ташламадим, ҳозир ҳам фотоаппарат менинг доимий ҳамроҳим.

**— Узр, Саид Аҳмад ака, пайтдан фойдаланиб бир нарсани сўрамоқчиман. Шайхзода юбилейи муносабати билан яқинда «Совет Ўзбекистони» газетасида Ғафур Ғуломнинг юбиляр билан тушган сурати босилди. Унинг тагига «Саид Аҳмад фотоси» деб ёзиб қўйилган. Шу сурат қачон олинган?**

— Э, бунинг қизиқ тарихи бор, ука. 1959 йилнинг 2 майида байрам муносабати билан Ғафур ака, Шайх ака ва кеннойингиз Саидахонни телевидениега таклиф этишди. Уларга эргашиб мен ҳам бордим. Эшиттириш давом этарди. Бирдан уларнинг суратини олгим келиб қолди. Шундай қилдим. Аммо фотоаппаратнинг ширқиллагани телекамера қаршисида ўтирганларнинг эътиборини чалғитиб қўйибди. Режиссёр қизариб-бўзарганича гунг кишига ўхшаб қўлларини унсиз силкита бошлади. Кейинчалик билсам у «Ҳе, сендақа фотомухбирдан ўргилдим, чиқиб кет бу ердан» демоқчи бўлган экан. 1961 йил 1 май сайлида союзимизнинг шу боғида мен олган Ғ. Ғулом ва М. Шайхзода сурати ҳам яқинда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босиб чиқарилди. Хуллас, эллигинчи йиллар ҳам андуҳли, ҳам завқли давр бўлган мен учун. Эслаш жуда оғир...

**— Дарвоқе, ҳозир ошкора гаплашадиган пайт. Сиз ҳам шахсга сиғиниш йилларида азият чекканлардан экансиз...**

— Ҳали айтганимдай у даврларни эслашни ёқтирмайман. Негаки, аввало, қалам тебратишга халақит беради. Қолаверса, одамларнинг менга ачинишларини истамайман. Тўғри, сизни тушуниб турибман, асарларимнинг ёзилиш тарихи, уларга берилган баҳолар адабиётшунослар рўзномаларидан китобхонга аллақачон маълум. Сиз фаолиятимнинг қоронғи томонларига чироқ тутишга интилаяпсиз. Бу, яхши. Гап очиқчасига кетдими, сўзлаб берақолай...

Ўзингизга маълум, менинг тоифамдаги одамлар бир гапдан қолай, дейишмайди. Ўша пайтларда гап келганда, отангни аяма, деган нақлни ўйлабману, «тил югуриги — бошга» ибрати хаёлимдан фаромуш бўлибди. Ижодий союзимизда ҳам сохта обрў кетидан югурувчилар оз эмасди. Улар бизга ўхшаган гап билан чақиб оладиганлардан доим чўчиб юришарди. Яна бир фактор: иғвогар ва чақимчиларнинг «омади» юрган давр эди ўшанда.

Мени ҳам чақишибди. 1950 йилнинг 10 май оқшоми. Саида опангиз билан турмуш қурганимизга эндигина беш ой бўлувди. Саҳар пайти таппа босиб олиб кетишди. Тўққиз ой ертўлада камерада ётдим. Мен ётган хонага неча марта айғоқчилар қўйишди, уларнинг афти-ангорини эсласам, ҳанузгача юракларим орқага тортиб кетади: ҳаммаёғи кўкарган, қон. Кийим-кечаклари йиртилган, афтода бир ҳол.

Айғоқчилар мендан ҳеч нима олишолмади. Ахир, айбим бўлмагандан кейин мендан улар нимани ҳам ундириша оларди. У пайтларда суд қаёқда, дейсиз. «Тройка» (уч кишидан иборат маслаҳатчилар) қарори билан истаган муддатга қамаб юбораверишарди. Мени Москвага олиб кетишди. «Тройка»нинг қарори билан ўн йил муддатни зиммамга қўйиб, Жезқазғонга юборишди. Беш йил мис конларида руда қазидим.

**— Қаноатда Саида**
**Филча бўлурму, ҳай-ҳай?**
**Бу сатрлар замирида бирор ҳаётий ҳақиқат ётадими?**

— Агар она табиат қаноатнинг жуда катта қисмини аёлларимизга инъом этмаганида талаффузимиздан вафо ва садоқат сўзларини аллақачон итқитиб ташлаган бўлур эдик. Саидахон... Мени деб не балоларга гирифтор бўлмади у. Мен қамалганимнинг учинчи куниёқ уни чақириб «Агар эрингдан воз кечмасанг, союз аъзолигидан ҳайдаймиз» деб дўқ-пўписа қилишган. Шу саҳнада иштирок этган одамларнинг айтишларича, Саидахон шундай жавоб қилибдилар: «Юзлаштиринг, агар у киши мендан юз ўгирсалар, мен ҳам ундан воз кечаман». Йўқ, барибир уни союз аъзолигидан ўчиришибди. Ҳеч қаердан иш беришмабди. Биз ўшанда Саидахон билан расман никоҳдан ўтмаган эдик. У, биз ҳали турмуш қурмаганмиз дейиши ҳам мумкин эди. Бу фикр ҳатто ҳаёлига ҳам келмабди. Оч-наҳор университетда ўқишини давом эттирибди.

Қалам соҳиблари дашномидан чўчиган шаҳар соҳиблари ниҳоят уни Қўйлиқдаги корейс мактабига рус тили ўқитувчиси қилиб жўнатишган. Шуниси кулгилики, рус тилида икки оғиз сўзни эплаб гапиролмайдиган ўзбек аёли тағин, корейс мактабида қандай дарс бера оларди?

Бу ситамларга чидай олмаган шоира партия марказкомига — хотин-қизлар бўлимига чиқади. Бу ерда ҳам уни нописандлик билан кутиб олишади. Саида Андижондаги ўқитувчилар институтини ҳам тамомлаган эди. У бўлим мудири столига партбилети ва дипломларини итқитиб: «Партия ўзбек аёлларини паранжи асоратидан қутқариб, онгли ҳаётга йўллаш учун миллионлаб маблағ сарфлаётган бир пайтда сиз иккита дипломли коммунистни яна паранжи ёпинишга мажбур қилаяпсиз», дея хонадан шитоб билан чиқиб кетибди. Орқасидан қувлаб ҳужжатларини қўлига тутқазишибди.

Яхшиямки, оламда яхшилар кўп. Ўзбек журналистларининг устозларидан бири В. Ф. Архангельский ўзи раҳбар бўлган Марказком босмахонаси қурилишига Саидани ишга олиб, унинг бошига ёғиладиган бало-қазоларни даф қилишга ҳамиша кўксини қалқон қилиб турган.

Биз партияга, тузумга ишонардик, адолат қарор топишига ишонардик. Шу ишонч шоира рафиқам ва megдаги қаноатни зирҳлаб турди. Шунинг учун ҳам биз бардошимиз олдида ҳамиша таъзимдамиз.

Хотира кунларида Саидани яна шунинг учун ҳам кўпроқ тилга олаяпманки, у чин коммунист, садоқатли ёр, меҳрибон она, дилбар шоира эди.

**— Саид Аҳмад ака, ичингиз тўла алам-ку? Шундай бир ҳолатда одамларни кулдириш учун қаердан куч топаяпсиз?**

— Аввало, юқорида айтганимдай, қора кечмишларимни иложи борича ҳаёлдан қувлашга интиламан. Ўтган шу ўттиз тўрт йил ичида ўтмишимдан бирор марта бирор кишига нолиган эмасман. Ниҳоят сизга ёрилиб, юрагимни бўшатиб олдим. Бундан ташқари, ёмон кунларни эслаб, ижодда бўғилиб ўтиргандан кўра эзгуликка хизмат қилиб, яхшилар даврасида парвоз қилган минг марта афзал. Иккинчидан, одамларни ўз ғамига шерик қилишдан ҳам ёмонроқ бадбинлик йўқ. Айниқса, озми-кўпми, менга ўхшаб халқ эътиборига тушган кишилар ўз дардини қулфлоғлик дил сандиғида сақлаб юргани маъқул. Бу ортиқча гап-сўзлардан дариғ тутади. Менинг назаримда, ҳадеб оҳ-воҳ қилавериш гўё одам ўз бахтсизлигини пулга сотаётганга, бошқаларда ачиниш ҳиссини уйғотаётганга ўхшаб туюлади.

Одамларни кулдиришга келсак, бу — асосан инсон маънавиятининг поклигига, руҳининг тетиклигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ёзувчининг усталиги шундаки, у ўз атрофидаги сон-саноқсиз ҳодисалар хирмонидан ўз улушини ола билиши ва уни маълум мантиқий хулосага олиб келадиган мақсадга йўналтира билиши лозим. Айниқса, ҳажвчилар бу борада ниҳоятда сезгир бўлмоғи зарур. Кулгуни ҳар хил тасодифлар, ғайриоддий воқеалар келтириб чиқаради. Ҳаётда оддий туюлган бир бутун воқеага — асосий мавзуга ўша тасодиф ва ғайриоддий ҳодиса ва характерлардан зеб берилса, бундай асарни кулмасдан ўқиб ёки томоша қилиб бўлмайди. Мана, «Келинлар қўзғолони» ҳақида. Юзлаб ўзбек оилаларидаги типик воқеа. Бундай оилалар ҳозир айниқса қишлоқларимизда жуда кўп. Асарга ўша юқорида тилга олганим кулгу бўёқлари сингдирилгани учун ҳам неча йиллардан буён томошабин олқишини тарк этмаяпти.

**— Дарвоқе, ўзбек келинлари чет элларда ҳам «қўзғолон» кўтариб юрган эмиш...**

— Аввалambор, келинларнинг ўз юртимиздаги саёҳати ҳақида гапирай. Бу асарнинг Олмаота саҳнасидан тушмаётганига мана ўн йилдан ошди. Ўш, Фрунзе, Ленинобод томошабинлари ўн бир йилдан буён келинларни саҳнадан қўйиб юборишмаяпти. Уни Чечен-Ингушетия, Шимолий-Осетия каби мамлакатимиздаги 20дан ортиқ театрлар намойиш этишаяпти. Бу йил асар Доғистон театрида ҳам саҳна юзини кўради.

Спектакль чет элларга ҳам қадам қўйди. Уни Лаос ва Хитой Халқ Республикаси томошабинлари зўр шоду хуррамлик билан кутиб олишди. Урумчидаги уйғур театри саҳналаштирган шу асарим қардошларимизга манзур бўлибди. Пьесани саҳналаштириш жараёнида Урумчига бориб келдим.

«Келинлар қўзғолони» фильмининг муваффақияти айниқса катта бўлаяпти. У биргина Американинг ўн битта штатида юз марталаб қўйилди. Дунёнинг деярли ярмини айланиб чиқаётган бу фильмнинг, менимча, асосий ютуғи шундаки, унда миллийлик жуда кучли. Бу, ҳеч шубҳасиз, режиссёрнинг муваффақиятидир.

**— Гап кино санъатига кўчган экан, шу мавзуда яна бир савол бермоқчиман. Киносценарийлар русча қабул қилинаётганлиги учун ҳам ўзбек адибларини бу соҳага жалб этиш қийин бўлмоқда, дейишяпти. Шу тўғрими?**

— Йўқ, менимча, нотўғри. Улар бир масалада ҳақдирларки, сценарийлар ўзбекча ҳам қабул қилиниши керак. Аммо кинонинг ўз специфик хусусиятлари, мураккаб талаблари бор. Бизнинг ёзувчиларимиз кино сирларини яхши билишмагани учун бу соҳага қўл уришдан чўчишаяпти. Бундан ташқари, режиссёрларимиз «Ўзбекфильм» маҳсулотларига Европача ранг беришаяпти. Миллийлик эътибордан четда қолиб кетаяпти. Бу масалада бизнинг киноарбобларимиз грузинларнинг миллий кино мактабидан ўрнак олишса ёмон бўлмасди. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам адибларимиз кино билан мустаҳкам алоқа ўрнатмоқлари лозим. Негаки, ҳозир фильмларимиз қадр-қиммати жаҳон санъати савиясидан бир неча поғона пастга тушиб кетди.

Менинг ҳозирги ёшларга ҳавасим келади. Айниқса, қалам соҳибларида ҳужумкорлик жуда кучли. Қайта қуришга шубҳасиз ёрдами тегаётган мавзуларни дадил кўтариб чиқишаяпти. Аммо кўпчилигимизда ўша турғунлик даврининг асорати — журъатсизлик ҳамон устунлик қилмоқда. Бу кино санъатига ҳам ҳар хил таъсир кўрсатаяпти.

**— Кейинги пайтларда матбуотда ошкоралик одоби, деган ибора пайдо бўлди. Очиқчасига гаплашамиз деб одоб доирасидан чиқиб кетаётганимиз йўқми?**

— Унисиям, бунисиям бўлаяпти. Ошкоралик дегани бировнинг шахсига тегиш, неча йиллар давомида тобланган мустаҳкам дўстлигимизга раҳна солиш деган гап эмас. Совет халқларининг буюк қардошлиги социалистик жамиятимиз эришган ғалабаларнинг энг каттасидир. Биз бу ғалабани ҳеч қачон қўлдан бой бермаймиз. Майли, баҳслашайлик, тортишайлик. Ҳақиқат — баҳс маҳсули. Лекин ўзбегимизга хос одоб-икром пардаси ҳамиша ҳарирлигича қолсин.

**— Саид Аҳмад ака, яқин орада китобхонларга нималар тақдим этмоқчисиз?**

— Кўзингиз тушган бўлса, «Шарқ юлдузи» журналининг учта сонида «Жимжитлик» романим тўла босилиб чиқди. Ҳадемай китобхонларим қўлига тегиб қолса, ажаб эмас. Ҳозир эса шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларидаги воқеаларни ўзида мужассамлаштирган «Доҳийга хат» деб номланган романим устида ишлаяпман. Бугунги суҳбатимизда ҳам ёзилаётган шу асаримнинг таъсири бўлди, албатта. Бундан ташқари ҳикоялар, ҳажвлар учун мавзуларим бор. Ҳарқалай, қайта қуриш жангчилари олдида қарздор бўлиб қолмайман.

**— Одатдаги охирги савол: «Оқшом»нинг кенжа газетаси ижодкорларига истакларингиз?**

— Истагимдан олдин «Мушоҳада» ҳақидаги фикрларимни айтмоқчиман. Газетанинг жамоатчилик кучи билан чиқарилаётганини табриклаш керак. Материаллар кичик, фикрлар лўнда, мавзулар кўлами кенг. Хуллас, ўзбекча андиша билан гаплашишга интилаяпсизлар. Бироқ газетадаги андиша журъатсизликка яқинлашиб қолаяпти.

Ижодкорларга истагим шуки, кўпроқ оддий одамлар қалбига қулоқ солишсин. Халқимизда ҳали дард кўп. Баҳоли-қудрат ёрдамимни мен ҳам аямайман.

**— Раҳмат, Саид Аҳмад ака, ҳамиша саломат бўлинг!**

**Адибга Абдулла НУРИМОВ ҳамсуҳбат бўлди.**


**РЕДКОЛЛЕГИЯ**

«Мушоҳада»нинг навбатдаги сони 25 апрелда чиқади.

«МУШОҲАДА» («Размышление»)
Ежемесячный выпуск общественной редакции газет «Тошкент оқшоми» и «Вечерний Ташкент».

Ҳар ойнинг сўнгги ҳафтасида сешанба кунлари чиқади.

Справкалар учун телефонлар: 32-54-15, 33-99-42, 32-53-66.



# МУШОҲАДА

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоатчилик редакциясининг ойлик нашри

№ 3 (15) 1989 йил март


**«Мушоҳада» оталиғида**

## Қалбимизга жо қуёш...

**Шаҳримиздаги кўзи ожиз болалар мактаб-интернатининг фаолият кўрсатаётганига ҳам 65 йил тўлди. Ярим асрдан кўпроқ даврни ўз ичига олган мана шу йиллар мобайнида юзлаб кўзи ожиз болалар илмли бўлиб етишдилар. Браилча усулдаги саводхонлик билимини эгаллаб, меҳрибон устозлардан боодобликни ўргандилар.**

**Республиканинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев номи билан аталган мазкур интернатда ҳозирги кунда 300 дан ортиқ кўзи ожиз болалар таълим-тарбия олмоқдалар. Мактаб қошида ташкил этилган боғча эса 34 нафар кўзи ожиз жажжи гўдакларни ўз бағрига олган. Қувончлиси шундаки мактаб ташкил этилган дастлабки дамларданоқ пойтахтимизнинг кўплаб корхона ва муассасалари уларни ўз оталиқларига олиш ташаббуси билан чиққан эдилар. Бир неча йилдирки, «Ташсельмаш» бирлашмаси коллективи мактаб-интернатга ишчи кучи билан ёрдам бериб туради. «Лола» атир-упа ишлаб чиқариш бирлашмаси болаларнинг маданий-маиший дам олишларини ташкил қилиб беришда ёрдамларини аямаяптилар. Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси эса бежирим маҳсулотлари билан болаларни кийинтириб турадилар. Мана, бир йилдирки, улар сафига ижодкорлар коллективи ҳам келиб қўшилди. Яъни «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг ижодий ходимлари мактаб-интернат билан яқиндан алоқа ўрнатдилар. Шу мақсадда «Мушоҳада» ва «Диалог» газеталари саҳифаларида ўқувчилар ва педагоглар фаолияти акс эттирилган материаллар бериб борилмоқда. Таълим-тарбия масканидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатилмоқда.**

Атрофда баҳор тантана қилаётган айни кунларда яна ана шу интернат томон йўл олдик. Наврўз нафаси педагоглар қалбини қитиқлаб, кўнгилларга гўё қуёш жо бўлгандай ҳаммаёқни шодликка тўлдирган.

— Мактабимиз педагогик коллективи 80 нафар олий маълумотли ўқитувчиларни ўз сафига бирлаштирган, — дейди биз билан суҳбатда мактаб директорининг ташкилий ишлар бўйича ўринбосари Фарида Абдураҳмонова. — Улардан 20 таси Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, 4 таси эса республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи деган шарафли номни олишга муяссар бўлганлардан. Ўқувчиларга таълим-тарбия асосларини чуқурроқ сингдиришда Ўзбекистон кўрлар жамияти яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда. Жамият тузиб берган ойлик ҳамда йиллик планлар асосида дарс олиб бормоқдамиз.

Суҳбатимизга мактаб интернатнинг юқори синф ўқувчилари келиб қўшилишади.

— Яхши яшаш ва аъло ўқишимиз учун ҳамма шароитлар муҳайё, — дея гап бошлайди ўзини Фарида Усмонова деб таништирган қиз. — Бу йилги ёзги таътил кунларида эса бизни яқинда ишга туширилаётган Хумсон пионер лагери ўз қучоғига олади.

9-синф ўқувчиси Убайдулла Алимов:

— Мактабимизда илм олиш билан бирга бўш пайтларимизда мусиқа тинглаб, ҳордиқ чиқариш, бадиий китоблар ўқиш ва оммавий-ахборот янгиликларидан хабардор бўлиб туриш учун барча имкониятлар яратилган. Минглаб ўқувчилар қаторида биз ҳам «Оқшом»нинг мухлисимиз. Бу газетанинг оммавийлиги ва ардоқлилиги унинг кўнгилдаги гапларни очиқ-ойдин ёритишида, долзарб муаммоларни ўз вақтида кўтаришида, деб биламиз.

Бахтиёр Толипов:

— Биз ўқувчиларнинг яна бир тилагимиз, ана шу газета билан ҳамиша узилмас мулоқотда бўлсак, ҳамкорликда қизиқарли учрашувлар, баҳсли мунозаралар ўтказиб турсак...

Фарида Усмонова:

— Бизни кўпдан бери ташвишга солаётган муаммолардан бири Браилча усулда битилган дарслик китобларининг ўзбек тилида нашри йўқлигидир. Қачон бу муаммо ҳал бўлади?

Фариданинг кўпчилик тенгдошлари номидан берган бу саволига директор ўринбосари қуйидагича жавоб қайтарди:

— Бу масаладан республика халқ таълими министрлигининг хабари бор, албатта. Ҳозирча бошланғич синфларимиз Браиль усулидаги китоблар билан таъминланган. Юқори синф ўқувчилари учун ҳам бу муаммо яқин орада ҳал этилади, деган умиддаман...

Дарҳақиқат, мактабда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар оз эмас. Бу масалалар билан даҳлдор ташкилотлар шуғулланишаяпти. Аммо бизни мамнун қилган нарса шуки, интернат қошидаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида ўқувчилар ҳар хил касбларни ҳам ўрганишаяпти. Шу қутлуғ айёмда истак билдириб:

— Қалбингиздан баҳор аримасин, азизлар! — демоқчимиз.

**Ф. ҲУСАНОВА, Д. ОБЛАЕВ.**



Н. Шерматов Тошкент подшипниклар ремонти заводининг илғор токари. У кунлик иш нормасини 130 фойиздан зиёд адо этиб бу борадаги кўрсаткичларини оширишга ҳаракат қилмоқда. Илғор токарнинг комбайнлар учун ишлаб чиқараётган деталь-подшипниклари сифатли деб топилмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

**Қардошлик — қариндошлик**

## Тил — дилга тилмоч

Очиғини айтсам, ёзувчи Евгений Березиковнинг «Қизил Бухоро» китобини ўқигач, бир савол туғилди: адиб асарда тасвирланган маҳаллий аҳоли вакилларининг характерини, халқнинг энг тахчил урф-одатларини қай йўсинда бу қадар чуқур ўргана олди экан? Бунинг сирини яқинда билиб қолдим. Моҳир сўз устаси ўзбек тилида жуда яхши гапира олар эканлар. Унинг олимлар даврасидаги суҳбатида айтган қуйидаги сўзлари ҳамон қулоқларим остида жаранглаб турибди: «Ўзбекистонда яшовчи славян халқлари вакилларининг маҳаллий тилни билмасликлари энг жиддий хатодир. Чунки тилни билган элни билади, шу халқ урф-одатлари, ички дунёси билан ошно бўлади. Трамвайда кетаётиб, бир кексани майна қилаётган безориларга соф ўзбек тилида дашном берган эдим, барзангилар индамай вагондан тушиб кетишди. Сабабини ўша кекса тушунтириб берди. Ўғлим, ўзбекчани яхши билар экансиз, безорилар рус бўлатуриб, ўзбек тилида гапирганингиз учун сизни ҳурмат қилиб трамвайдан тушиб кетишди, деди кекса. Дарҳақиқат, ўзга тилни билмоқ — ўша халқ ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлмоқ, демакдир».

Мен кўп йиллик педагогик фаолиятимда шаҳримизда ўзбекчани ўз она тилидай ўзлаштириб олган юзлаб бошқа миллат вакиллари билан мулоқотда бўлганман. Уларга меҳр-муҳаббатимиз ҳамиша чексиз. Аммо гражданлик гувоҳномасига ўзбек деб ёзилган жуда кўп ҳамюртларимиз билан ҳам учрашганманки, улар ўз она тилларида иккита сўзни ҳам эплаб гапиролмайдилар. Бунинг учун уларни айблаб бўлмайди, албатта. Уларнинг ўз тенгдошлари орасига тушиб ўзбекча гапиролмай оғзига талқон солиб ўтиришга мажбур бўлишаётганига биринчи навбатда ота-она айбдордир. Болаларини рус мактабларига беришгани яхши, лекин ўз она тилини ҳам унутмаслиги учун лоақал уйда ўзбекча гаплашиш лозимку, ахир.

Яна бир фикр устида тўхталмоқчиман. Яқинда эфир орқали ўзи рус бўлатуриб ҳар иккала тилни пухта ўзлаштириб олган ва ҳатто ўзбек тилида ажойиб шеърлар битган, Навоийдек буюк алломани бировнинг кўмагисиз русчага таржима қилган Ирина исмли шоира билан танишиб, уни орқаваротдан севиб қолганман. Унинг ўзбекча талаффузида бирорта рус сўзи йўқ. Бироқ бизнинг кўпчилигимиз эса ўзаро муомалада тилимизга тенг ярим рус сўзларини қўшиб ишлатамиз. Ахир, бу ўз она тилимизга, Навоий, Бобир, Беруний, ал-Хоразмийлар тилига ҳурматсизлик эмасми?

Биз улуғ Ленин тилидан умрбод миннатдормиз, чунки ўзбек халқи шу тил орқали жаҳон маданияти, адабиёти, фани ва техникаси билан ошно бўлди. Шу тилнинг ёрдамида ўзбек диёри ёппасига саводхон ўлкага айланди. У шунинг учун ҳам иккинчи она тилимизки, шу тил воситасида Иттифоқимиздаги қардошларимиз билан, ҳатто хорижий юртлар кишилари билан қийналмасдан мулоқотда бўлаоламиз.

Айни пайтда ўз она тилингни билиш, уни ардоқлаш — ўз халқингга бўлган чексиз муҳаббат белгиси эканлигини ҳам унутмаслик лозим. К. Паустовскийнинг қуйидаги сўзларини ҳамиша эсда тутмоқ лозим: «Ўз тилига муносабатига қараб туриб ҳар бир одамнинг маданий даражасинигина эмас, балки унинг гражданлик қадр-қимматини ҳам аниқ айтиб берса бўлади. Ўз Ватанингга бўлган муҳаббатингни ўз тилингга бўлган муҳаббатингсиз тасаввур этиш мумкин эмас». Лекин айни пайтда тил сабоқлари республикамизнинг деярли барча мактабларида ҳанузгача паст даражада қолиб кетмоқда. Бу фан юзасидан ўқитувчи кадрлар ҳали ҳам етишмайди.

Таклифим шуки, аввало, ўзбек тили ва адабиёти фани давлат имтиҳонлари жадвалига киритилиши лозим. Иккинчидан, шу фан юзасидан рус мактаблари учун махсус дарсликлар тайёрлашни тезлаштириш зарур.

Тил — дилларга тилмочдир, шунинг учун ҳам қардошлик оиламизнинг ҳар бир аъзоси дўстлар тилига алоҳида эътибор бермоғи, дўстликка ҳурмат юзасидан шу тилни мукаммал ўрганмоғи лозим.

**Т. АБДУМАЛИКОВА,**
**Октябрь районидаги 20-ўрта мактаб директори.**

## Газетхон: фикр билдирмоқчимиз!

### Ақл ёшда эмас...

**«Оқшом»имизнинг жажжи «Мушоҳада» газетаси икки ёшга қадам қўйди. Ақл ёшда эмас — бошда, деганларидек, шу қисқа фурсат ичида у ўзига минг-минглаб мухлислар орттирди. Айниқса, «Мушоҳада учун мавзу», «Аччиқ, аммо очиқ гап» рубрикалари остида берилаётган материаллар хўжалигимизда жуда кўп мунозараларга сабаб бўлмоқда.**

**Яна бир фикр. «Мушоҳада»нинг чиқишини бир ойда интиқ бўлиб кутиш жуда оғир. Наҳотки, аллақачон кўпчилик эътиборини қозонган газетачани «Оқшом»нинг ҳафталик нашрига айлантириш мумкин бўлмаса! Шу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш керак.**

**А. АЗИМОВ,**
**Калинин районидаги «Ёш ленинчи» агроучасткасининг ишчиси.**

### Маслаҳат беринг, бува!

**Жуда қийналиб кетдим, ёрдамингизга муҳтожман, Донобува. Газетада эълон қилинган «Ажрим айбдорлари ёки қўйди-чиқдиларда фақат эркаклар гуноҳкорми» сарлавҳали мақолани ўқиб, хаёлан ўз турмуш ўртоғимни оқлашга ҳаракат қилиб кўрдим, бироқ эплай олмадим.**

**Ўзлари ёмон йигит эмас, ичмасалар тиллога топилмайди. Қурилишда прораб бўлиб ишлайдилар. Исмлари А. Илтимос, газетада унинг ҳам, менинг ҳам отимни тўла ёзманг, бува. Акс ҳолда яна балога қоламан. Зора шу оддий шаъма таъсир қилармикин, деган умид билан сизга мурожаат қилаяпман. Аҳволим ҳозир жуда оғир. Ажралай десам, фарзандлар тирик етим бўлишидан чўчийман. Нима қилай, маслаҳат беринг, бувАжон!**

**С. ХЎЖАЕВА,**
**Қурувчилар кўчасида яшовчи ёш она.**

### Маҳалланинг кўзи қаёқда?

**«Мушоҳада»нинг сўнгги сонидаги «Маҳаллада ош» сарлавҳали мақолани ўқиб чиқдим. Донобувамиз ниҳоятда жиддий масалаларни ўртага ташлабдилар. Мен отасининг қабрини йўқотиб қўйган Ботирбекни айблай олмайман. Эҳтимол у ёшлик қилиб, отани зиёрат қилишни унутгандир. Мана, ўзим, ота-онам вафот қилганларида жуда ёш эдим. Отамнинг қаерга дафн этилганини ҳанузгача билмайман. Маҳалла кексаларидан бири кўрсатган ҳозир тептекис жойга ҳар йили хотира кунлари чироқ ёқиб келаман. Шунинг учун ҳам мен Ботирбекни эмас, маҳалла казоларини айблайман.**

**А. ТОЛИПОВ,**
**Собир Раҳимов районидаги «Янги турмуш» маҳалласи.**

Пойтахт меъморлари

## Ёш бўлса ҳам бош...

Э. ТЎЛАГАНОВ, «Мушоҳада» мухбири.

Аччиқ, аммо очиқ гап

# Аҳвол қалай, меҳмонлар?

Д. МУРОДОВ, В. МАДИМАРОВА.

# Автоматлар қани?

С. МАНСУРОВ.

# БИЗ СЕНИ СОҒИНДИК, БАХОР!

Кулгили хотира

## Сумалак

ни ўн минутда, иккинчисини ярим соатда тайёрлаб берамиз, — дея кўзини сузди официант аёл.

Хайриддиннинг пешонаси тиришди. Назаримда унга юз ва қош-кўзларига ҳар хил ранглар суркаб таш-

масин. Хў-ўш, биринчисига мастава...

— Буни ҳозироқ олиб келаман, — деди дафтарчасига ёза бошлаган танноз хоним, — иккинчисигачи?

— Иккинчисигами? — Хайриддин яна жилмайиб, менга кўзи-

ёшарган бош оша... Мирпўлат ака ... яна ўша пилдироқ ж... вон чиқиб келиб, би... га рўбарў бўлишди.

— Ўзим ҳам Сам... Аҳмаднинг шумтал... укаларидан бирор... келгандир, деб ўйло... дим-а? — деди Ми... пўлат ака, сўнгра х... димасига ўгирилди: ... ҳой, Оксана, сумала... масаллиғининг ... тўрт суткада тайёрл... нади, уни пишириш... камида ўн соат кетади...

— Биттагина таом... нинг бир ҳафтада та... ёрланишини энди эш... тишим, — деди жуво... уялиб, — мен ўзбе... ларнинг энг узоқ п... шадиган овқати — о... деб юрардим.

— Майли, ҳижол... чекманг, — деди Хай... риддин жиддий оҳан... да, — оғайнимнинг т...

лаган бу жувоннинг бачкана қилиқлари ёқмаётганга ўхшарди.

— Иккинчи таомни ярим соатда тайёрлаймиз, денг? — сўради Хайриддин.

ни қисиб қўйди, — ёзинг, иккинчисига сумалак.

— Нима? — афтидан официантка бу таомни биринчи марта эшитаётган бўлса ке-

Абдулла НУРИ.

СУРАТДА: маҳалла ошпазлари Абдунаим Саидов, Абдусалом Икромов ва Гулом... М. Нуриддинов фотоси.

## Боғ ўйқ, тоғ ўйқ...

## Гуллар қурибди...

НУРБЕК.

Сулола

## Икки аср қозон бошида

У пайтларда ёш эдим. Ҳали эсимда: байрам сабаб бўлиб маҳалла аҳлига ош тарқатиладиган бўлди. Ярим тунда бошланган тараддуд эрта саҳарда ...

Ф. НУРИДДИНОВ, меҳнат ветерани.

Ҳажвчилар ҳузурида

## Таниш башаралар

Кейинги йилларда бирорта журнал йўқки, Н. Иброҳимовнинг аччиқ кулгили ҳажвий расми чиқмаган бўлсин.

Унинг қаҳрамонлари башаралари ҳаммамизга таниш, юлғич, порахўр, текинхўр, товла...

«Мушоҳада»чилар.

Аломат олам

Д. ЗОКИРОВА.

# Қудалар

Донобувва даврасида

Донобувага Саид САЛИМОВ котиблик қилди.

«Мушоҳада» мактуб

# Фан ва техника янгиликлари

## АНТИК ДАВР ДУБУЛҒАСИ ТОПИЛДИ

Дунай ирмоқларидан бири — Аржеш дарёсининг ўзанини чуқурлаштираётганларида антик давр дубулғасини топиб олдилар. Бухарест тарих ва санъат музейининг мутахассислари ноёб топилмани ўрганиб, дубулға Александр Македонский армиясидаги лашкарбошилардан бирига мансуб, деган фаразни ўртага ташладилар. Александр Македонский армияси бу жойларда Дакогета қабилаларига қарши жанг олиб борган эди.

Ер қаърида 2 минг йилдан ортиқ ётган дубулға жуда яхши сақланган. У тарихий ёдгорлик сифатида ҳам, илмий тадқиқотлар предмети сифатида ҳам ниҳоятда қимматга эга. Археологлар дубулғанинг пардаси бир оз «модификация» қилинганини аниқладилар. Бу эса дубулға афтидан, ҳарбий ўлжа бўлган, деган фикрга олиб келади.

Ноёб топилма биринчи маротаба Сибиу шаҳридаги миллий симпозиумда намойиш этилади. Бу ерда Руминия археологларининг 1988 йилги иш якунлари чиқарилади.

## АНТАРКТИДА ЭКОЛОГИЯСИ ХАВФ ОСТИДА

Перунинг «Мачу-пикчу» илмий тадқиқот кемаси яқинда аварияга учраганлиги натижасида ўн минглаб пингвинлар ва Антарктида ҳайвонот оламининг бошқа турлари ҳалок бўлиш хавфи остида қолди. Маҳаллий экология ташкилотларининг хабарларига кўра, воқеа содир бўлган райондаги денгиз юзида жуда катта нефть доғи тамон ёйилмоқда, кейинги кунларда ана шу нефть доғи 150 метрдан бир километргача кенгайди. Келгуси ҳафтада бир қанча мамлакатларнинг олимлари офатнинг кенгайишига йўл қўймаслик учун мўлжалланган махсус кемалар авария содир бўлган жойга етиб келишлари керак.

Жанубий кенгликларда шу билан иккинчи марта экология баланси жиддий равишда бузилди. Январь ойининг охирларида Аргентина ҳарбий денгиз кучларининг «Бахия—парансо» ёрдамчи кемаси аварияга учраганлиги муносабати билан худди шундай вазият рўй берган эди. Ана шу авария бир неча минглаб пингвиннинг ҳалок бўлишига олиб келди ва «Антарктида тарихида биринчи экологик фалокат» номини олди.

## ЯНГИ ЛИНИЯ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Бад Фишау шаҳридаги Австрия «Глорит» қурилиш фирмасининг поток линияларидан тушаётган йиғма конструкцияли уйлар замонавий архитектураси, қулайликлари, мустаҳкамлиги ва барпо этиш соддалиги билан ажралиб туради. Уларни ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар «Глорит» билан Молдавия ССР бинокорлик ишлари Давлат комитети ўртасида эришилган аҳдномага мувофиқ Совет Иттифоқига етказиб берилади.

Молдавияда қуриладиган «Уйсозлик фабрикаси» йилига тахминан 100 минг квадрат метр тайёр қурилиш элементлари ишлаб чиқаради. Фабрика ҳар йили 600 та йиғма коттеж уйлар тайёрлаб беради. Бу коттежлар бир оилага мўлжалланган бўлиб, ҳар қандай қишлоқ ёки шаҳар типидаги посёлканинг ташқи қиёфасини безайди.

# Маданият саройи — ўқувчиларга

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли энг яхши маданият саройларидан бири баҳорги таътил кунларида ўқувчилар ихтиёрига берилди. Бу ерда болалар ва ўсмирлар китоблари ҳафталиги ҳамда музика ҳафталиги доирасида тадбирлар ўтказилади.

Маданият саройининг иккита залида эрталабдан кечгача болалар ҳаваскорлик коллективларининг концертлари, республика ёзувчилари ҳамда композиторлари билан учрашувлар ўтказилади, бадиий ва мультипликацион фильмлар намойиш этилади. Мунозара клуби болаларда қизиқиш уйғотиши шубҳасиздир. Ўқувчилар бу ерда ўзларини тўлқинлантираётган муаммоларнинг кенг доирасини муҳокама қилишлари мумкин.

(ЎзТАГ мухбири).



# Жонажон Ватан бўйлаб

## «ЖАҲОНДА ТЕНГИ ЙЎҚ...»

**Москва.** СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасининг «Сиҳат-саломатлик» павильонида «Ихтирочилар ва рационализаторлар — медицинага» кўргазмаси очилди. Кўргазмадан 600 дан зиёд экспонат ўрин олган. Уларнинг орасида шундай ихтиролар ҳам борки, уларнинг тенгини на Иттифоқимизда, на чет элларда топиб бўлади.

СУРАТДА: титан қотишмаларидан ясама тиш конструкцияларини қуйиш учун мўлжалланган ҳавосиз муҳитда ёйсимон тиш қуйиш қурилмаси (ВДЛСУ—I). Мазкур қурилма 1989—1990 йилларда Пермь Давлат медицина институтининг ортопедик стоматология кафедраси лабораториясида жорий этилади.

## ТЎРТ ЁШЛИ ИСТЕЪДОД ЭГАСИ

**Куйбишев.** Ҳаво очиқ кунлари Горький номидаги шаҳар истироҳат боғи кўпчилик зиёратчиларнинг диққат-эътиборини одатдан ташқари манзара — оёқлари билан ўриндиқ устига чиқиб олган, шахмат доналарини енгил ва моҳирона суриб, талайгина тажрибали шахмат мухлисларини ўйлантириб қўйган ёшгина қизалоқ жалб этарди. Аксарият хоҳловчилар Лена Дембонинг шу ерда ҳозир бўлган ота-онасидан ижозат сўраб, уларнинг ёш қизалоқлари билан бир партия шахмат ўйнагани ўтирарди... Қизалоқ уч ёшида тўртинчи шахмат разрядини бажариб, тўрт ёшга тўлганида анчагина турнир тажрибасини орттирди, олтинчи синф ўқувчилари ўртасидаги мусобақаларнинг бир неча бор ғолиби бўлди. Ленанинг ота-оналари шахматга бевосита алоқадор. Онаси — Надежда Ивановна Фокина — шахмат бўйича спорт мастери, пионерлар саройида шахмат тўгарагига раҳбарлик қилади, отаси — Владимир Борисович Дембо — пианиночи, педагог ва концертмейстер, тажрибали ҳаваскор шахматчи ва қадимги ўйиннинг ашаддий мухлисидир.

Лена бир ёшидаёқ барча шахмат доналарини номма-ном билар эди, икки ярим ёшида шахмат доналарининг қандай юриши билан танишди, уч ёшида ўқишни ўргангач, кундалик шахмат машғулотлари бошланди. Аввалига бир-икки юришда мот қилинадиган енгил топшириқлар, 10—15 юришдан иборат қисқа партиялар ўрганилди, кейинчалик эса жиддий шахмат сабоқлари, тахтадаги вазиятларни таҳлил этиш бошланди.

СУРАТДА: Лена Дембо фақат шахмат мухлисигина эмас...

ТАСС фотохроникаси.



## КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларга бағишланадиган Пленуми олдидан

# Турклар

Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари яшашади. Улар орасида турклар ҳам бор.

Ҳозир республикамизда яшаб меҳнат қилаётган туркларнинг аждодлари Грузиянинг Туркияга чегарадош бўлган Адигон, Ахалцин, Ахилкалак, Богданов, Аспинзин районларида яшаб келишган. Бутун умри тинч меҳнат билан ўтиб келаётган бу халқ чегара хавфсизлиги баҳонасида 1944—1945 йилларда Ўрта Осиёга, асосан Ўзбекистонга мажбуран кўчирма қилинди. Минглаб оилалар туғилиб ўсган ўз юртини тарк этишди.

Шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида бошқа майда миллат халқлари каби турклар ҳам ўз она тилида таълим олиш, миллий маданиятини юксалтиришдан маҳрум бўлиб қолавердилар. Бироқ улар бағри кенг, саховатли ўзбек ҳимматидан ҳамиша миннатдор. Республика меҳнаткашлари бошқа халқлар каби туркларга ҳам оға-ини, опа-сингиллардек муносабатда бўлиб келишмоқда.

Туркларнинг фарзандлари орасидан ажойиб пахтакорлар, қўли гул қурувчилар, фан ва техника арбоблари етишиб чиқди. Бугунги кунда Ленин мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Жавод Кўчиев, қўш Ленин орденли Саодат Гулаҳмедова, ака-ука Ансор ва Жаббор Оғалиевлар каби неча ўнлаб фидокорлар номини Ўзбекистонда ҳамма фахр ва ифтихор билан тилга олади.

Сўнгги маълумотларга қараганда, ҳозир республикамизда 100 мингдан ортиқ турклар истиқомат қилишаяпти. Ўзбекистон партия, совет ва давлат органлари турк халқининг миллий маданиятини юксалтириш, жойларда миллий мактаблар очиш, ижодкор ёшларни ҳар томонлама ғамхўрлик билан қамраб олиш, миллий театр ва ансамбллар ташкил этиш, миллий кадрлар тайёрлаш каби масалалар билан жиддий шуғулланмоқдалар.

Турк миллатига мансуб аҳоли асосан Тошкент областидаги Ўрта Чирчиқ, Пискент, Бўка, Оққўрғон, Ғалаба, Сирдарё областидаги Ворошилов, Сирдарё, Гулистон, Самарқанддаги Булунғур, Фарғонадаги Тошлоқ, Андижондаги Жалолқудуқ районларида, шунингдек, Тошкент, Гулистон, Фарғона ва Наманган шаҳарларида яшайди. Ўтган салкам ярим аср давомида гарчи рус ва ўзбек тилларида ўқиб, ўзаро мулоқотда бўлса ҳам ўз она тили ва миллий урф-одатларини сақлаб қолган бу халқ ҳар томонлама таҳсин ва ҳурматга лойиқдир.

Турк қизлари тўқиган ажойиб гиламлар, ёғочга ўйилган ганжлар, ҳунармандлар ясаган тиллақош, зебигардон ва турли-туман тақинчоқлар халқ санъати дурдонасининг ажойиб намуналаридир. Турк хонадонига кирган кишининг баҳри-дили очилади. Шинам қилиб безатилган хонада саку деб номланган бежирим чорпоя асосий ўринни эгаллайди.

Айниқса, турк йигит ва қизлари эгнидаги либослар нозик каштаси билан ҳар қандай кишини ҳам ҳайратга солади. Ялак деб номланган тавшал рўмоллари, кексалар киядиган феска (камзул)лар қоматга ажиб бир гўзаллик бахш этади. Бир пайтларда Туркия раҳбари Отатурк томонидан фескалар кийиш ман этилган бўлса-да бу либос турларини бизнинг республикамиздаги турк халқи ҳанузгача эъзозлаб, ардоқлаб келаяпти. Худди шу зайлда тўй ва байрамларда тақиладиган нақшин камарлар, бондюк деб аталадиган тилло маржонлар, нақшиндор катха шапкачаси, келинлар пешонасига тақиладиган шахмудя ва урубия деб номланган тилло тангалар турлари ҳам аждодлардан авлодларга ўтиб келаяпти.

Турклар ўз она тилини, миллий урф-одатларини авайлаб сақламоқдалар. Айни вақтда улар ўзбек, қозоқ, тожик, рус ва бошқа миллатлар билан ёнма-ён яшаб, қардош халқлар урф-одатлари ҳисобига ўз маданиятини йилдан-йилга бойитиб бормоқдалар: Жумладан, қозоқ халқининг «кўпкари»си туркларнинг тўйига мустаҳкам сингиб кетди. Ҳатто келин-куёв либосларида ҳам ўзбек, тожик ва рус миллий нақшлари намуналарини учратиш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, турклар миллатлараро рус тили билан бирга ўзлари орасида яшаб келаётган ўзбек, қозоқ ва тожик тилларида ҳам бемалол гаплаша оладилар.

Туркларнинг истеъмол рационида асосий ўринни сут маҳсулоти эгаллайди. Бундан ташқари улар ҳар хил кўкатларни кенг тановул қилганлари ҳолда гўштни жуда кам миқдорда истеъмол этишар экан. Фақат сут ва қатиқдан турклар ўндан ортиқ сут маҳсулотлари тайёрлашади, айни пайтда булар ўз таъми ва хушхўрлиги билан бир-бирига мутлақо ўхшамайди.

Турк халқи миллий маданиятини янада равнақ топтириш борасида бир қатор муаммолар ҳам йўқ эмас. Энг аввало, халқ маорифи соҳасида миллий кадрлар тайёрлашни тезда йўлга қўйиш керак. Турк халқи орасида ҳанузгача номлари бизга номаълум жуда кўп ижодкор ёшлар бор. Бизнингча, республика миқёсидаги ягона миллий ансамблни тузиш пайти ҳам етиб келди. Чунки азалдан санъатга чанқоқ турк миллати вакиллари орасида ажойиб санъаткорлар мавжуд.

Биз турк халқи тарихи, маданияти, урф-одатлари ҳақида қисқача ҳикоя қилдик. Зеро, диёримиздаги халқлар маданиятини, урф-одатини, уларнинг кўп қиррали турмуш тарзини нақадар яхши билсак, қардошлигимиз, ўзаро ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланаверади.

**М. САВУРОВ,**

**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих ва этнография институтининг илмий ходими.**

# СССР—бизнинг умумий уйимиз




# Нурли манзиллар

Икки ёш қалб — комсомолларнинг никоҳ тўйини нишонлашга келган меҳмонлар алламаҳалгача ўтиришди. Қозоқча ўланлар, украинча қўшиқлар, ўзбекча шўх рақслар ижро этилди. Куёв — ўзбек йигити Ҳамиджон, келин — қозоқ қизи Гулбону шаънига қизғин қутловлар айтилди. Ёш оиланинг бахтига яхши орзу-умидлар тиланди.

Мария аяга сўз берилганда қуда-андалар томонидан келган меҳмонлар ҳам жим бўлиб қолдилар. У ўғли Ҳамиджон ва келини Гулбонуга тикилиб, турмуш ўртоғи Олимжон акани эслади. Кўзида ёш, дам ўғлига, дам келинига меҳр билан тикилди...

Ҳа, умр ўтаверади. Тақдир тақозоси билан Улуғ Ватан урушидан сўнг бир-бири билан топишган Олимжон ака ва украиналик Мария Кирилловна 40 йил Хадрадаги 2-трамвай депосида меҳнат қилишди. Иккови ҳам 10 миллион йўловчи манзилини яқин қилган авариясиз юрувчилар мастери бўлишди. Улар ишда ва оилада ҳамнафас бўлдилар. Ўз бахтларини шу трамвай депосидан топганларини эслаб доимо мамнун бўлишар эди.

Трамвайчилар оиласи фарзанд кўрди. Отини элга нафи тегсин деб Ҳамиджон қўйдилар. Эсини танибдики, унинг ёшлиги трамвайда ўтди. Олимжон ака ва Мария аялар ўзларининг ёлғиз ўғилларини жондан севиб ардоқлашди. 8-синфни битирмасданоқ Ҳамиджон трамвай штурвалини бошқаришни ўргана бошлади. Бу касбга меҳр унга тинчлик бермасди. Совет Армияси сафидан йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, 2-трамвай депосига ишга келди.

Гулбону ана шу трамвайчилар оиласига келин бўлиб тушди. У шаҳар кўчаларида момақалдироқдек гувиллаб юраётган трамвайларга ҳавас билан боқар, ўзи ҳам руль соҳибаси бўлишни орзу қиларди. Ойлар ўтгач ўзи ҳам аста-секин трамвай ҳайдашни ўрганди.

Хушчақчақ, йўловчиларга табассум ҳадя қилувчи Г. Турсуновани йўлда 7-трамвай маршрутида учратдик. Ишбилармон ҳайдовчи 1502-номерли «Татра» вагонини кўча ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда бошқарар эди. 15,5 километрли Самарқанд автостанцияси — Студентлар шаҳарчаси оралиғидаги маршрутда ҳар куни 16 та вагон ҳаракат қилиб, 3068 километр йўлни босиб ўтади. Тажрибали эл хизматкори Гулбону вагонлар орасидаги интервалга қатъий амал қилиб, 31 бекатни 57 минутда бир-бири билан туташтиради.

Ҳар куни барча турдаги шаҳар транспорти 4,5 миллион йўловчи манзилини яқин қилади. Бу рақам 10 йилда йўловчилар ташиш ҳажми 80 процентга ўсганлигини кўрсатади.

Транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Бунинг учун Гулбону биринчи навбатда ҳайдовчилар малакасини тинмай ошириш, транспорт ҳамиша юксак техник ҳолатда бўлишини таъминлаш кераклигини шогирдларига уқдириб келяпти. Б. Салимов, Х. Ғаниева, Л. Рябовалар шарафли ҳайдовчилик касбида ҳурмат қозонишяпти.

График мунтазамлиги бўйича ишлаш, трамвайни техник жиҳатдан доим ўзи назорат қилиши ҳайдовчининг ойлик ва йиллик топшириқларини барвақт адо этишга имконият яратади. Буни яхши ҳис этган комсомол аъзоси Гулбону Турсунова 2-трамвай депосининг машъаллари У. Рустамов, Х. Содиқхўжаев, Ю. Марченко, Ф. Тўйчиевларнинг изидан бориб, социалистик мусобақа карвонбошиси сифатида обрў қозоняпти.

— Коллективимиз «Намунали хизмат кўрсатувчи маршрут» фахрли номини олиш учун бутун куч-ғайратини, билимини сарфлашга ва ҳаракат жадвалини мутлақо бузмасликка интилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда авариясиз юрувчилар мастери Г. Турсунова.

— Ассалому алайкум, йўловчилар! Кира ҳақи тўлаш Сизнинг йўловчилик бурчингиз эканлигини унутманг. Кунингиз хушвақт ўтсин.

Трамвай ўз маршрути бўйлаб ҳаракат қилади. Йўллар қасбига меҳр қўйган ҳайдовчилар ёрдамида йўловчиларни манзилига элтади...

**Ф. АБДУРАҲИМОВ,**

кўп нусхали «Мотор» газетасининг редактори.

# Ижод йўли

— Театр рассоми бўлиш осон эмас. Унинг иши актёр, режиссёр, томошабинга манзур бўлиши керак. Кийим эскизлари, саҳна декорацияси каби безакли ишлардан ташқари драматургия билан танишиб, спектаклнинг ғоявий мазмунини ёритишда етакчи роль ўйнайди, — дейди СССР Рассомлар союзининг аъзоси Муборак Йўлдошев.

Муборак Йўлдошев асли чимкентлик. Еттинчи синфгача қозоқ ва ўзбек мактабларида ўқиди. Беш ёшида онасидан, ўн уч ёшида отасидан ажралган Муборак болалар уйида тарбияланди. Сўнг подачилик, чўпонлик қилди. Яйловда одамларнинг молларини боқиб, кун кечирди. Қир-яйловларнинг гўзаллиги уни мафтун этди. Кузатишларни оддий қаламларда қоғозда тасвирлаб, тинмай машқ қилди. Санъатга қизиқиш Муборакни Душанбедаги Беҳзод номли бадиий билим юртига етаклади. Уни тугатгач Островский номли Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг театр ва рассомчилиги факультетига ўқишга кирди. Бу даргоҳда машҳур рассомлар Владимир Александрович Рифтин, Исаак Яковлевич Вальденберглар таълимини олди. 1962 йилда Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида, Садриддин Айнийнинг «Васи қўзғолони» асарига саҳна безаклари яратиб, диплом ишини муваффақиятли ёқлаган Муборак Йўлдошев истеъдоди инобатга олиниб, пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли опера ва балет театрига ишга олинди. 1963 йили Пуччинининг «Флория Тоска» операсини безашда қобилиятини кўрсатди. Бу ёш рассомнинг биринчи мустақил иши эди. Катта театрда икки йил ишлагач, профессор Мухтор Ашрафий тавсияси билан Самарқанд опера ва балет театрига бош рассом этиб тайинланди.

Область театрида ишлаш Муборак Йўлдошев учун синов йиллари эди. У тинмай изланар, узлуксиз меҳнат қилар, бўш вақтларида дастгоҳли рангтасвир асарлар яратиш билан банд бўларди. Қийналиб қолган пайтларида монументалчи рассом Чингиз Аҳмаров унга яқиндан ёрдам берди. «Тоҳир ва Зуҳра» спектакли безакларини ҳамкорликда яратади. Саҳнада миллий руҳ, колоритлар акс этди. Сирасини айтганда, Чингиз ака Муборакдан ёрдамини аямади.

Театр рассоми саҳна асарини безаркан, ҳаётни пухта билганлиги, ҳар бир миллат ҳаёти, урф-одатларини намойиш этиши томошабинларга манзур бўларди.

М. Йўлдошев ижодида айниқса, композитор Собир Бобоевнинг «Ҳамза», «Ёрилтош» опера, драма ва эртак спектаклларига ишлаган асарларини ҳаётий, бекамукўст акс эттиришга эришди.

«Ҳамза» операси саҳналарини безашда фақат тарихий материалга асосланмай, натуралардан фойдаланди. У Самарқанднинг қадимий ёдгорликлари: Гўриамир, Ишратхона, ер ости хоналарини саҳнада акс эттириб, Шоҳимардондаги мозор кўриниши, Ҳамзага уюштирилган фитна ўта ишонарли тасвирланиши «Ҳамза» операсининг таъсирли чиқишига ёрдам беради. Рассом эскиз-декорациялари билан асар ғоясини томошабинга етказа олган. Биринчи картинада Ҳамза сиймоси, келажак ҳақидаги ўйхаёллари сезилса, иккинчисида мудҳиш ҳаёт, мозор узра қора булутлар орқали оддий халқнинг оғир турмуши намоён бўлади. Учинчисида эса, Ҳамзани ўраб олган душманлари, унинг аянчли аҳволи рангтасвирларда тасвирланади.

Шукур Саъдулла либереттоси — «Ёрилтош» спектаклидаги саҳна безаклари рассом Муборак Йўлдошев ижодий муваффақиятли бўлди. Хон саройи, сеҳрли кўл, яхшилик ва ёмонликни ҳис этувчи тош, шулар орқали етим қизлар—опа-сингил Гулнора ва Оймомолар тақдири билан чамбарчас боғлиқ воқеаларнинг акс этиши, рассомнинг халқ оғзаки ижодини пухта билиши, изланувчанлиги билиниб турибди.

Ўтган йили рассом Сирдарё область, Олим Хўжаев номли музикали драма театри қўйган спектакли — «Насриддин афанди саргузаштлари»да саҳна безаклари яратиб, томошабинларда қизиқиш уйғотди. Айниқса, Бухоро кўринишида рассом М. Йўлдошев ўзбек меъморчилик санъатини намойиш этиб, тўла реалликка интилган ва ҳаётий воқеаларни ҳозирги замонга мослаб тасвирлашга ҳаракат қилган.

Муборакнинг орзуси манзара, портрет, ғоявий мазмунга бой асарлар яратиш билан бирга, театрлар учун саҳна безаклари яратиш нияти ҳам қалбида жўш уриб турибди.

**М. АҲМЕДОВ,**

**Ўзбекистон ССР Давлат санъати музейининг катта илмий ходими.**

**И. ИГНАТЬЕВА,**

**санъатшунос.**

# Қадимий карвонлар сўқмоқларидан

Тошкент мактаб ўқувчилари «Буюк ипак йўли» бўйлаб саёҳат қилишга таклифнома олдилар. 195-мактаб ўқувчилари баҳорги таътилнинг биринчи кунида тарих муаллими, ташаббускор ўлкашунос В. Захарченко бошчилигида археологлар, этнографлар, архитекторлар, санъатшунослар группаси билан бирга Ўзбекистон пойтахтидан Фарғона водийсига йўл олишди. Экспедиция аъзолари қачонлардир қадимий карвон йўли ўтган Фарғона, Марғилон, Андижон, Наманган, Чуст, Поп оралиғидаги масофани босиб ўтадилар. Бу маршрут ЮНЕСКОнинг келаси йилдан амалга ошириладиган «Мулоқот йўли» Халқаро лойиҳасининг программасига киритилган. Ҳозирча эса Совет маданият фондининг Ўзбекистон республика бўлими ва Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни ҳимоя қилиш республика жамияти ташаббуси билан дастлабки экспедиция уюштирилди. Экспедиция «Буюк ипак йўли» асосий участкаларидан бирининг аҳволини текшириш, айни вақтда ЮНЕСКО халқаро лойиҳасининг совет қисмига тайёргарлик доирасида олиб борилаётган таъмирлаш ишларини текшириш билан бирга ёшлар билан янги ўқув — билиш, илмий ва ташвиқий ишларни олиб бориш шаклларини ҳам синаб кўришни, ёшларни жонажон ўлкани ўрганишда иштирок этишларини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ёш ўлкашунослар «катталар» экспедициясида иккинчи марта иштирок этишмоқда. Бунга қадар улар қишки таътил кунларида олимлар билан биргаликда қадимий Суғд (Бухоро—Самарқанд—Жиззах) бўйлаб саёҳат қилган, архитектура ва археология ёдгорликлари, халқ усталарининг асарлари, фольклор ансамбллари билан танишган эдилар. Зудлик билан таъмирлаш ишларини талаб этувчи иншоотлар хариталарини тузишда ҳам уларнинг ҳиссаси бор.

— «Кўп яшаган одам эмас, кўп кезган одам кўп билади» — бу нақл, эҳтимол ўша узоқ даврларда, бундан бир ярим минг йил муқаддам, буюк карвон сўқмоғи пайдо бўлган вақтда юзага келгандир, — дейди ЎзТАГ мухбирига ўқувчилар группасининг раҳбари, маданият фонди правлениесининг аъзоси В. Захарченко. — Ўтмишга қизиқиш — давримизнинг белгисидир. Биз киммиз, қаерданмиз, насл-насабимиз илдизлари қандай — буни билишимиз ва хотирамизда сақлашимиз керак. Буни айниқса ёшлар билиши зарур. Шу сабабли бу даражада муҳим ва катта аҳамиятга эга бўлган ишга ўз шогирдларимни жалб этишни жуда зарур, деб ҳисоблайман. Ватан тарихи билан яқиндан танишиш, унинг янги-янги саҳифаларини очиш учун довонлардан ошиб ўтамиз, дарёлардан кечамиз, воҳалар ва саҳроларга саёҳат қиламиз.

